

## Қиёмат куни

05:25 / 13.07.2018 4747

Анас У кишидан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қиёмат куни ҳаёти дунёдалик пайтида роҳат-фароғатда яшаган, дўзахга ҳукм қилинган кишини олиб келиб, дўзахга бир чўмдирилади-да, кейин «Эй одам боласи, ҳаётингда ҳеч бир яхшиликни кўрдингми? Бирор неъмат сени (қўлингдан) ўтдимми?» дейилади. У эса: «Аллоҳга қасамки, йўқ, кўрмадим, эй Рабб!» дейди. Ва яна ҳаёти дунёдалик пайтида камбағаллик ва мусибатда яшаган, жаннатга ҳукм қилинган кишини олиб келиб, жаннатга бир чўмдирилади-да, кейин «Эй одам боласи, ҳаётингда бирор қийинчилик кўрдингми? Бирор ёмонлик сендан ўтдимми?» дейилади. У эса: «Аллоҳга қасамки, йўқ, кўрмадим. Менинг ҳаётимда бирор қийинчилик ва машаққат бўлмаган», деб айтади», дедилар.**

Имом Муслим ривоятлари.